

"Энг яхши китобхон" танловининг республика босқичи бошланди



14:05 / 25.05.2023 907

Бугун, 25 май куни Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида Ўзбекистон муслмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар ўртасида “Энг яхши китобхон” кўрик танловининг якуний босқичи бошланди.

Танловни Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари Уйғун домла Ғофуров очиб, мусобақа иштирокчиларига муваффақият тилади. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ҳам сўз олиб, адабиёт ва китоб мутолаасининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бундай танловлар ёшларга рағбат ва куч-ғайрат, китобга бўлган меҳрини ошишига туртки бўлишини таъкидлади.

Сўнгра танловнинг илк “Бадиий китоблар билимдони” шарт бўйича беллашувга старт берилди.







